# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 88 (8.672) ◆ 1995 йил 31 июль, душанба Сотувда эркин нархда








*Сергели туманидаги автомобиль поршенлари ишлаб чиқарувчи «Новатор» хусусий фирмаси энг истиқболли корхоналардан ҳисобланади.*

*СУРАТЛАРДА: Фирманинг директори, шаҳар кенгаши депутати Александр Матвеев;*

*«ВАЗ-2101» учун поршень чиқарадиган линия бошлиғи Владимир Бичков ва чилангар Сергей Кузнецов;*

*Мураккаб дастгоҳ бошқарувчиси Владимир Кривожихин.*

## БУГУНГИ КУН «ТО» «ТО» НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Вазирлар Маҳкамасида 1995 йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ва уларни янада чуқурлаштириш, пул муомаласи ва халқ хўжалигида ҳисоб-китобларнинг аҳволи тўғрисидаги масалаларга бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

❑ Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирокида Мустақиллик кунининг тўрт йиллиги байрамига ҳамда Тошкентда ўтказиладиган Марказий Осиё ўйинларига тайёргарликнинг боришига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

❑ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов она-Ватан хазинасига 175 минг тонна дон топшириб, йиллик режани шараф билан бажарган Сирдарё вилояти ғаллакорларига самимий табрикнома йўллади.

❑ Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг таъсис қурултойида унинг Низоми ва мамлакатда банк тизимини жадал ривожлантиришнинг комплекс дастури тасдиқланди. Рустам Азимов Ўзбекистон Банклари ассоциацияси кенгашининг раиси этиб сайланди. Қурултой қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига миннатдорлик мактуби қабул қилдилар.

❑ Ўзбекистон Банклари ассоциацияси билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

❑ Республика хотин-қизлар қўмитаси бошқаруви мажлисида жамиятда хотин-қизлар мавқеини ошириш масалалари муҳокама этилди.

❑ Германиянинг Ўзбекистондаги элчиси Карл Хайнц Куна Тошкентдаги «Она ва бола» мажмуасига инсонпарварлик ёрдами сифатида 20 миллион немис маркаси қийматидаги дори-дармонларни топширди.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Кеча Грознийда Россия федерал маъмурлари билан Жохар Дудаев вакиллари ўртасида ҳарбий масалалар юзасидан аҳдлашувлар имзоланди. Айни пайтда бу ерда ҳар икки томон ишчи гуруҳларининг музокаралари давом эттирилади.

❑ Янги сайланган Арманистон парламенти ҳукумат таркибини ва яқин беш йилликка мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт режасини тасдиқлади.

❑ Бу йил Украинада ғалла ўрими бултургига нисбатан деярли 1,5 баравар жадал суръатларда олиб борилмоқда. Ҳозиргача бу ерда 7 миллион гектардаги дон янчиб олинди. Бу режанинг 60 фоиздан ортиғини ташкил этади.

❑ Россияда 10000 ва 50000 рубль қийматига эга бўлган янги нусхадаги қоғоз пуллари муомалага чиқарилди. Улар ҳозир муомалада бўлган пуллардан қалбакилаштиришдан ҳимоялаш даражаси анча юқори бўлганлиги билан фарқ қилади. Ана шу қийматга эга эски нусхадаги пуллар янгилари билан бир қаторда муомалада бўлади.

❑ Бугун Ашхободда қирғиз халқ эпоси «Манас»нинг 1000 йиллигига бағишланган улкан от пойгаси бошланди.

❑ Шу йилнинг биринчи ярмида Россияда табиий газ қазиб олиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,5 фоизга камайиб кетди. Айни пайтда мамлакатда нефть қазиб олиш ҳам шу даврда 2,6 фоизга камайган.

### ХОРИЖДА

❑ Гаагадаги Халқаро суд серб миллатига мансуб 24 шахсга расмий айбнома эълон қилди. Улар ҳарбий жиноятларда айбланмоқда.

❑ Жанубий-Осиё минтақавий ҳамкорлик ташкилоти — АСЕАНнинг навбатдаги олий даражадаги анжуманида ушбу ташкилот ўзаро фойдали алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилмоқда.

❑ АҚШ кинотеатрларига Голливуд тарихида энг кўп пул сарфлаб суратга олинган янги «Сув дунёси» фильми чиқарилди. Унга 180 миллион доллардан кўпроқ маблағ сарф этилди.

## ҲАММА — САРАНЖОМ-САРИШТАЛИК ОЙЛИГИГА!

### ТОШКЕНТ ШАҲАР ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ПЛЕНУМИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ОНАХОНЛАРГА, ОПА-СИНГИЛЛАРГА, ШАҲРИМИЗНИНГ БАРЧА АҲОЛИСИГА МУРОЖААТИ

Биз мўътабар байрам — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг тўрт йиллиги арафасида турибмиз. Ҳар галгидек Тошкент бу улкан шодиёналарнинг маркази бўлади. Ана шу қутлуғ санагача пойтахтимизни янада обод ва кўркам қилиш, орасталиги, саранжом-саришталигини таъминлаш — ҳар бир тошкентликнинг бурчидир.

Шу муносабат билан биз сиз — муҳтарама онахонлар, азиз опа-сингиллар, жонажон шаҳримизнинг барча қадрли фуқароларига мурожаат этмоқдамиз.

Фарзандларимизга миллий қадриятлар ва анъаналар, шарқона урф-одатларга таянган ҳолда она-табиатга меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлиш, уни кўз қорачиғидек сақлаш руҳида тарбия берайлик. Ота-боболаримиз қадимдан табиатни алоҳида меҳр билан ардоқлашган, асраб-авайлашган. Ҳар томчи сувни гавҳардек қадрлашган. Боғ-роғлар, гулзорлар барпо этишган, маҳаллаларни сўлим гўшаларга айлантиришган. Ана шу анъаналарга содиқ бўлайлик.

Байрамлар арафасида чор-атрофларни тозалаш, саранжом-саришта қилиш ўзбек халқининг энг яхши удумларидан ҳисобланади. Юртимизда, айниқса аёл бор жойда ҳамиша озодалик, орасталик, саранжом-саришталик ҳукмрон бўлади. Катта байрам — Мустақиллигимизнинг тўрт йиллиги арафасида турибмиз. Ана шу улуғ айём олдидан кўчалар, хиёбонлар, майдонлар, маҳаллалар, ҳовли-жойлар озода, шинам ва файзли бўлиши учун Тошкентда 1995 йилнинг августида «Атроф-муҳитни асраб-авайлаш ва саранжом-саришталик ойлиги» ўтказиш айни муддао бўларди. Бу ташаббус шаҳарнинг барча хотин-қизлар қўмиталари, ҳамма опа-сингилларимиз, бутун тошкентликлар томонидан қўллаб-қувватланишига умид қиламиз. Ҳар бир туман, маҳалла, меҳнат жамоасида ҳашарлар ташкил этайлик. Ҳаммани ўзимиздан озод ва обод Ватан қолдиришга чорлайлик. Давлатимиз Мустақиллик кунини Тошкент чиройига чирой қўшган ҳолда кутиб олайлик.

***(Ушбу мурожаат Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг шу йил 21 июль куни бўлиб ўтган пленумида қабул қилинган).***

## *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ТЎРТ ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН*

### *ТУМАНЛАР ЙЎҚЛАМАСИ: СЕРГЕЛИ*

## КЕЛАЖАККА КОМИЛ ИШОНЧ

**«Сергели, Сирғали — қозоқ қабилалари уюшмаси Катта жуз таркибига кирган. Сергелиликлар азалдан Тошкент воҳасида, Оқжар, Еттикент, Зангиота, Қўшқўрғон, Ниёзбек аҳоли манзилларида яшаганлар. Сергелиликлар асосан чорва, қисман деҳқончилик билан шуғулланганлар...»**

«Ўзбек энциклопедияси»дан туманнинг номи ҳақида ана шундай изоҳни ўқиш мумкин. Бу ҳам қадим Туркистон халқлари азалдан бир аҳил оила каби яшаганлигини тасдиқлайди. Бугунги кунда эса 100 дан ортиқ миллат вакиллари 155,5 минг кишилик туман аҳолисини ташкил этадилар.

«Жанубий» вокзалдан сўнг темир йўл кўприги остидан ўтилгач, Сергели тумани бошланади. Туман шаҳардан «ташқари»да, унинг марказига боришда йўлнинг икки четида тутзор ва экинзорларга кўзингиз тушади. Дарҳақиқат, 1966 йилги зилзиладан сўнг бу ерда қурувчилар учун ёғоч-черепицадан кичик-кичик уйлар қурилиб, Йўлдош шаҳарчаси барпо этилган эди. Шундан сўнг, қулай иқтисодий ўринда жойлашганлиги боис, кўпқаватли уйлар қурилиб, шаҳарча тезда кенгая бошлади. Тумандаги 24 та қурилиш ташкилотлари томонидан олиб борилаётган уй-жой, маданий-маиший ва бошқа иншоотларнинг кенг кўламли қурилишлари Сергелида ҳар томонлама ўсиш давом этаётганлигидан дарак беради.

— Юрт қандай яшаётганлигини билмоқ бўлсанг, унинг бозорларини кўр, — деган нақл бор, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари Соиб Каримжонов, бизга Сергели-7 мавзесида қурилаётган янги мажмуани кўрсатар экан. — Бозор доимо тўкин ва гавжум бўлиши учун энг аввало қулай жой танланиши лозим. Қолгани лойиҳа ва қурувчиларнинг маҳоратига боғлиқ. Шунинг учун бу ерда сотувчилар ва харидорларга барча шароитлар яратилади.

Шу мавзеда қад ростлаган янги 317-мактабда сўнгги пардозлаш ишлари олиб бориляпти. Янги илм даргоҳини қурувчилардан қабул қилиб олувчи директор Мавжуда опа Шералиевани ҳам шу ерда, қўлида бўёқ чўткаси билан, қизғин иш устида учратдик.

— Биринчи сентябрда мактабимиз биринчи ўқувчиларни ўз бағрига олади, — дейди опа, — унгача барча ишларни сифатли ниҳоясига етказиш мақсадида туман халқ таълими бўлимининг бир гуруҳ ходимлари бизнинг мактабга ҳашарга келганлар.

Испания қиролининг жаҳонгир Амир Темур пойтахтидаги элчиси Руи Клавихо Самарқанд бозоридаги тўкинлик ва арзончиликни кўриб, ҳайрат бармоғини тишлаган экан. Албатта биз Клавихо эмасмиз, аммо тўкин бозорни кўриб, диллар қувнаганлиги рост. Сергелида ёз эртароқ бошланади. Ўрта Чирчиқ, Янгийўл, чинозлик соҳибкорлар ёзги мева-сабзавотларни доимо пешма-пеш етказиб турадилар. Хўжалик ва универсал моллар дўконлари эса турфа хил уй-рўзғор буюмлари билан лиқ тўла. Шуниси эътиборлики бу маҳсулотларнинг аксарияти туман ҳудудидаги катта-кичик саноат корхоналарида тайёрланмоқда. Масалан, «Микво» кичик корхонасида ясалаётган 7-8 хилдаги қулфлар, жимжимадор эшик тутқичлари республика бўйича фақат ушбу корхонада ишлаб чиқариларкан. Шу боисдан маҳсулотларга бўлаётган талаб ҳам юқори. Туманда бундай корхоналар анчагина. Уларга карвонбошилик қилаётган «Файз» ҳиссадорлик жамияти ҳақида алоҳида тўхталмоқ жоиздир. Корхонада чиқарилаётган уй ва ошхона мебеллари хорижникидан сира қолишмайди.

— Бу энг сўнгги мақсадимиз эмас, — дейди ҳиссадорлик жамиятининг директори Мукаррамхон Азимова. — Маҳсулотларимизни экспорт қилиш эвазига тушаётган валюта ҳисобига корхонадаги барча ускуна ва дастгоҳлар янгиланмоқда. Бу эса, имкониятларнинг янада ўсиши деган гап.

Туманда жисмоний-тарбия ва спорт ишларига алоҳида аҳамият берилади. Шаҳар ва республика миқёсидаги мусобақаларда албатта сергелилик спортчилар яхши натижалар билан иштирок этишади. Тумандаги 25 та ўрта мактаб, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ва ҳатто мактабгача тарбия муассасалари ўртасида турли мусобақалар тез-тез уюштирилади. Қизиқарли беллашувларнинг асосий ташкилотчи ва ҳомийси сифатида туман Ёшлар Иттифоқи қўмитаси фаол иш олиб боради. Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг биринчи котиби Илҳом Акромовнинг саъй-ҳаракатлари, мусобақа ғолиблари доимо рағбатлантириб борилаётганлиги боис, ҳозир туманда кўплаб республика ва шаҳар миқёсидаги чемпионлар етишиб чиққан.

— Янги Сергели кўчасида қуриб битказилаётган жисмоний тарбия ва соғломлаштириш мажмуаси айни муддао бўлди, — дейди Илҳом. Ушбу замонавий спорт шаҳарчасида барча қулайликлар муҳайё этилган. Албатта, соғлом авлод камолати йўлида спорт асосий ўринда туриши айниқса ёшлар ташкилоти зиммасига катта масъулият юклайди.

«Йўлдош» мавзесида бўлдик. Кўчалар қалин, серсоя дарахтлар қуйнида. Айтишларича, саратоннинг энг жазирамасида ҳам бу мавзедаги ҳарорат бошқа жойлардагидан тўрт-беш даража паст бўларкан. Дарҳақиқат, тангадек офтоб тушмайдиган соя-салқин хиёбонлар кишини ўзига тортади. Димоққа иссиқ ноннинг ёқимли ҳиди урилди. Бу ерда ишлаб турган «Кавсар фидоий» кичик корхонасида германиянинг «Винклер» кичик новвойхона ускуналари ўрнатилиб 10 хилдан зиёд сифатли нон маҳсулотлари чиқариларкан.

— Бир кеча-кундузда 22,5 тоннагача нон маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз, — дейди корхона директорининг ўринбосари Аъзам Тошматов. — Яқинда иккинчи шохобча ҳам ишга тушгач, ушбу кўрсаткич 40 тоннага етиши мумкин. Бу эса фақатгина ўзимизни эмас, бошқа туманларни ҳам иссиқ нон билан таъминлаш имконияти демакдир.

Туман аҳолисининг ярмидан кўпроғини ёшлар ташкил этади. Масалан, «Қурувчи» мавзесидаги «Ёшлик» маҳалласи аҳлининг 95 фоизи 50 ёшгача бўлган кишилар экан. Маҳалла чиройли гузар ва ўз ўйингоҳига эга.

Маҳаллаларда улуғ айём — Мустақилликнинг 4 йиллигига тайёргарлик авж олган. Одамларда эртанги фаровон ҳаётга интилиш, ишонч кучаймоқда. Буни туманнинг ҳар бир маъвосида ҳис этдик. Бугунги мураккаб ва тезкор давримиздаги энг асосий ютуқ ҳам бизнингча, мана шу.

Эсон ҲИКМАТОВ.

## НАМАНГАНЛИКЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Ҳар йили Наврўз, Мустақиллик байрами каби умумхалқ щодиёналари, пойтахтда ўтказиладиган турли йиғинларга келган наманганлик вакиллар доимо сергелиликларнинг азиз меҳмони бўладилар. Улар ичида турли соҳанинг етук мутахассислари, корхона раҳбарлари бўлганлиги учун бу яхши одат тезда ўзаро борди-келди қилиш, тажриба алмашишдек хайрли анъанага айланди.

Яқинда Наманган вилояти ҳокими Бургутали Рапиғалиевнинг таклифига биноан, Сергели тумани ҳокими Мидхат Йўлдошев бошчилигидаги туман вакиллари Наманган вилоятида бўлдилар. Меҳмонлар сафида Республика Олий Мажлиси депутати Мукаррама Азимова, Тошкент шаҳар Кенгашининг депутати Раҳматулла Муҳаммадхўжаев, шунингдек, тумандаги йирик корхона ва ҳиссадорлик жамиятларининг раислари борлиги Наманган сафарини ўзаро фойдали ҳамкорлик ташрифига айлантирди. Тошкентлик азиз меҳмонлар икки кун давомида вилоятнинг Поп, Чуст, Косонсой туманларида очиқ юз билан кутиб олиндилар. Сергелиликлар жойларда ҳамкасбларининг иш фаолиятлари, илғор тажрибалари билан яқиндан танишдилар. Туманлар ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш ҳақида аҳдлашиб олинди.

Бобур ҲАСАНОВ.

## ҚАЛОВИ ТОПИЛГАЧ

Сергелидаги «Новатор» ишлаб чиқариш фирмаси фақат тумандагина эмас, балки республика миқёсидаги энг истиқболли корхоналардан бири ҳисобланади. Ушбу фирманинг ташкил этилиши ва ривожланиш йўлини бозор иқтисодиёти шароитидаги ҳақиқий тадбиркорлик ва ишбилармонлик тимсоли дейиш мумкин. Ширкатчилик ҳаракати бошланаётган 1988 йилда уч нафар ғайратли ёш муҳандислар томонидан асос солинган фирма ҳозир бутун республика ва Марказий Осиё минтақасида катта талабга эга бўлган турли автомобиль поршенлари ишлаб чиқармоқда. Маҳсулотга талаб катта бўлиши — фирманинг имкониятлари ҳам муттасил кенгайиши деган гап. Республикада ва ундан ташқарида сотилаётган маҳсулотлардан тушаётган маблағлар эвазига корхона янада кенгайиб, ишлаб чиқариш ускуналари янада янги, замонавийлари билан алмаштирилмоқда. Яқинда ВАЗ, ГАЗ ва бошқа автомобилларнинг поршенлари билан бирга электр двигателлар учун ғоят зарур бўлган эҳтиёт қисм—эмал ўтказгичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Бунга ҳам талаб жуда юқори бўляпти, — дейди фирманинг директори Александр Матвеев. — Барча зарур хом ашёлар республикадаги бозорлардан сотиб олинсада бизнинг маҳсулотимизга қўшни давлатларда ҳам эҳтиёж катта. Шу сабабли бундан келаётган фойда анча юқори бўлаяпти.

Беҳзод ЭГАМОВ.





*Сергели-7 мавзесидаги янги 317-мактаб қурилишида туман маорифчилари ҳам ҳашар йўли билан иштирок этишяпти.*

*СУРАТДА: мактаб директори Мавжуда опа Шералиева иш тақсимлаш вақтида.*

*Ўнгдаги суратда эса Сергелидаги 243-фуқаролар авиацияси заводининг таъмирлаш-йиғув цехини кўриб турибсиз.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

## БУНЁДКОРЛИК ЗАВҚИ

**Ҳозир юртимизнинг барча жойларида бўлаётгани каби шаҳримиз туманларида ҳам истиқлолимизнинг 4 йиллик байрамини муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ҳар бир туман шароити, жойлашган ўрни ва имкониятларининг ўзига хослиги албатта, байрам ҳозирлигида ҳам ўз аксини топади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда айниқса Сергели энг ёш, ҳар томонлама ривожланаётган туман сифатида шаҳримизда алоҳида ўринга эга. Бу ҳақда туман ҳокими, Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Мидхат Йўлдошев бизга қуйидагиларни гапириб берди:**

— Туманимизнинг ҳудудий ишлаб чиқариш шароитлари кенглиги сабабли, ҳар томонлама шиддат билан ўсишда давом этмоқда. Шу боисдан, ҳар йили Мустақиллик байрамини янги-янги, сезиларли ютуқлар, қуриб битказиладиган кўплаб ижтимоий, маданий-маиший иншоотларни фойдаланишга топшириш билан кутиб олиш анъанавий одат тусига кириб бормоқда. Шуни алоҳида таъкидлашим жоизки, бундай кўрсаткичларнинг йилдан-йилга ўсиб бораётганлиги айниқса қувонарлидир. Мисолларга мурожаат қилсак. Агар ўтган йили 20 та кўп қаватли ва 303 та шахсий уй-жойлар (умумий майдони 87,1 минг квадрат метр), 200 ўринли болалар боғчаси қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, бу йилги бунёдкорлик кўлами ундан ҳам катта. Энг аввало туманга кираверишда кўзга ташланадиган ёпиқ деҳқон бозори мажмуаси йирик қурилишлардан ҳисобланади. Мебель ва хўжалик моллари дўкони, маъмурий бино, мева-сабзавот сақланадиган омборлар, кўплаб турли савдо дўконлари, автомобиллар тўхташ жойи ва ҳоказолар ҳам ушбу мажмуа таркибига киради. Ҳозир қурилиш авж олдирилган бозорнинг биринчи навбати улуғ айём арафасида ишга тушади. Иккинчиси туманимиз марказидаги Янги Сергели кўчасида қад ростлаган икки катта бинодан иборат жисмоний-тарбия ва соғломлаштириш мажмуаси ҳам қурувчиларимизнинг байрамга совғаси бўлади. Умумий қурилиш нархи 9 миллион сўм бўлган ушбу масканда ёпиқ теннис корти, ҳар хил спорт турлари учун бекаму-кўст жиҳозланган майдончалар мавжуд.

Умуман, интизорлик билан кутилаётган байрам арафасида фойдаланишга топширилган иншоотлар жуда кўп, ҳар бир маҳалла, корхона ва муассасаларда кўрилаётган тадорикларнинг ўзиёқ жуда катта кўламга эга. Сергели-5, Қўйлиқ-7, «Қурувчилар» мавзеларида очиладиган шинам маҳалла гузарлари, Сергели-7 мавзесида 1251 ўқувчига мўлжалланган ўрта мактаб, «Чош-Тепа» кўчасидаги 480 ўринли болалар боғчаси ҳам шулар жумласидандир.

Туманимизнинг яна бир ўзига хослиги — пойтахтнинг энг саноатлашган ҳудудларидан бири эканлигидир. Агар «Сергели саноат ҳудуди»да бўлсангиз, кўз олдингизда замонавий индустриал саноат шаҳарчаси намоён бўлади. Давлатга қарашли 25 та катта-кичик корхоналардан ташқари, бир неча ўнлаб қўшма, хусусий ва кичик корхоналар ҳам ишлаб турибдики, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси тобора ортиб бормоқда. Тўғри, уларда автомобиль, тракторлар каби «йирик» маҳсулотлар ишлаб чиқарилмаса-да, аммо кундалик маиший ҳаётда, қурилиш ва бошқа соҳаларда жуда зарур бўлган маҳсулотлар чиқариладики, бу жиҳатдан уларнинг кўпчилиги республика ва ҳатто Марказий Осиёда ҳам ягона ҳисобланади. Масалан, «УзЭллос» Ўзбекистон-Греция қўшма корхонаси гугурт ишлаб чиқара бошлагач, ушбу «арзимас»дек кўринган, лекин кундалик турмушда зарур бўлган маҳсулотни четдан сотиб олиш анча қисқарди. Қурилишда жуда керакли бўлган бириктирувчи металл қисмлари ишлаб чиқарувчи «Ёғочмаш» корхонаси, дори-дармонлар чиқарадиган ўзбек-корейс «Ўзманен» қўшма корхонаси ва бошқа жуда кўплаб ҳиссадорлик жамиятлари ҳақида ҳам шундай илиқ сўзларни айтиш мумкин. Юртимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг бугунги янги босқичида туманимиздаги саноат корхоналари турли шаклдаги мулк эгалиги ва иқтисодий фаолият тамойиллари асосида ривожланиб, ўз мавқеларини анча мустаҳкамлаб олдилар. Қуйидаги рақамларга эътибор беринг: 1994 йилда саноат корхоналарида таққослаш нархида 396,3 миллион сўмлик ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарилди. Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ҳажми 230 миллион сўмни ташкил этган эди. Шу йилнинг биринчи ярмида эса саноат корхоналари таққослаш нархида 596,9 миллион сўмлик товар маҳсулотлари, 327 миллион сўмлик халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқардилар. Таҳлил қилинганда, давлат тасарруфидан чиқарилган ва мулкчилик шаклини ўзгартирган корхоналар ўз нуфузларини анча тиклаб олганликларини кўрамиз. Чунончи, биринчи ярим йиллик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳиссадорлик жамиятларда 125,7 фоизга, ижарадаги корхоналарда 100 фоизга, қўшма корхоналарда 2,2 баробар кўпайди. Маҳсулотлар сифатини муттасил ошириб, таннархни арзонлаштириш эвазига четга товар сотиш, эркин муомаладаги валюта ишлаш имкониятлари ошмоқда.

Шундай ижобий натижаларга эришган корхоналардан «Файз», «Сергели», «Ўзиккиламчиранглиметалл» ҳиссадорлик жамиятлари, «ЎзбекРайфл», «Ўзманен» қўшма корхоналари, «Мебель» ишлаб чиқариш бирлашмасини алоҳида кўрсатиш мумкин. Ўтган йили ҳаммаси бўлиб 100 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулотлар экспортга чиқарилган, шу жумладан, 5 миллион 79 минг Америка доллари ҳажмидаги маҳсулотлар ҳам ушбу ҳисобдадир.

**— Туманда кўпқаватли уйларда яшовчи турли миллат вакиллари аҳолининг салмоқли қисмини ташкил этади. «Маҳалла» дастури қандай амалга оширилмоқда?**

— Туманимизда «Маҳалла» дастурининг изчил амалга оширилаётганилиги бу ерда яшовчи барча миллат вакиллари томонилан катта хайрихоҳлик билан қувватланмоқда. Тумандаги мавжуд 32 та маҳалла оқсоқоллари ва котиблари аттестациядан ўтказилиб, маҳалла муаммолари доимо ижобий ҳал этилаётир. Мавжуд маҳалла гузарларини таъмирлаш, янгиларини қуриш, зарур жойларга газ, электр, сув узатиш тармоқларини ўрнатиш, асфальтлаш, кўкаламзорлаштириш... борингки, барча зарур юмушлар биринчи галдаги вазифа сифатида адо этилмоқда. Ахир, маҳалла ободонлиги — бу юрт фаровонлигику. Маҳаллалар бўйича кам таъминланган 20457 та оилага 5 миллион 343 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Айтиш керакки, бу ишлар доимо туман ҳокимлигининг эътиборида бўлиб, ҳар ойда бир неча маҳаллалардаги шароит ўрганиб чиқилиб, амалий ёрдам кўрсатилади. Айни кунларда барча маҳаллаларимизда мустақиллик байрамига тайёргарлик авж олган.

Борий ҲУСАИНОВ ёзиб олди.

Тадбиркорларнинг сиртқи мактаби

# БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ НИМА?

***Бозор иқтисодиётига ўтилаётган бугунги кунда бу иқтисодий муносабатлар шакл-тамойилларини билиш муҳимдир. Бозор иқтисодиёти алифбоси, айниқса ўз ишини бошламоқчи бўлган тадбиркорлар учун сув билан ҳаводек зарурдир. Шу мақсадда «Тошкент оқшоми» янги — «Тадбиркорларнинг сиртқи мактаби» рукнини очди. Унинг остида бериладиган мақолалар барча муштарийлар учун қизиқарли бўлади, деган умиддамиз.***

Мамлакатимизда туб иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширияпти. Ҳозирги кунда унинг иккинчи босқичи бошланди. Бу ўзгартишлардан бозор муносабатларига ўтиш орқали иқтисодий тараққиётга эришиш, халқ фаровонлигини ошириш мақсади кўзланмоқда.

Хўш, бозор иқтисодиётининг ўзи нима? Бу қандай мўъжизаки, жаҳоннинг қарийб барча мамлакатлари шу усулда иш юритишяпти?

Бозор иқтисодиёти азалдан мавжуд. У асрлар мобайнида ривожланиб, ўзи такомиллашиб бормоқда. Ушбу иқтисодиёт қонун-қоидаларидан бехабар кишилар бозор деганда кўпинча кўз олдиларига деҳқон бозори ёки чайқов бозори келади. Лекин, эркин тадбиркорлик қарор топган жойларда бозор иқтисодиёти ўзида кўп нарсани мужассамлаштирган бўлади.

Бозор — жўн қилиб айтганда эркин иқтисодиёт маъносини англатиб, маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва харидорнинг ўзаро муносабатлари, яъни таклиф билан талабнинг ўзаро ўртасидаги иқтисодий муносабатда эркинлик бўлмас экан, у ўз маъносини йўқотади. Бозорда бозор иқтисодиёти қонунлари, яъни товар-пул муносабатларига асосланган иқтисод амал қилиши лозим. Ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасидаги муносабатлар ривожланган сари улар бу доирадан аввал бутун мамлакат, сўнг минтақа ва жаҳон даражасига кўтарилади.

Бозор талабларидан бири бу қандай маҳсулотни, қанча миқдорда ишлаб чиқаришни муҳим вазифа қилиб қўяди. Ушбу эҳтиёжни ўз вақтида англаган тадбиркор фойдаси орта боради. Албатта, бошқа тадбиркорлар ҳам мўмай даромад келтирадиган фаолият соҳасини қидирадилар. Натижада товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатнинг вужудга келиши таъминланади. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш, уни харидорга манзур қилиш асосий масалалардан биридир. Бозор ишлаб чиқарувчилардан нимага талаб ошиб борса шу нарсани ишлаб чиқаришни, фойда-зиённи қайта-қайта тарозига солиб кўришни, кам меҳнат сарфлаган ҳолда кўпроқ сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни талаб этади.

Халқимиз азалдан ишбилармон ва тадбиркор бўлиб келган. Эндиликда биз бозор иқтисодиётига ўтар эканмиз, бу шароитга мослаша боришимиз керак.

Республикамизда бозорларнинг бир неча турлари шаклланиб, фаолият кўрсатмоқда. Масалан, товар бозори, инвестиция бозори, қимматбаҳо қоғозлар бозори ва бошқа бозорлар таркиб топмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиши учун бозор кенгайиб, унинг турлари кўпая бориши, соғлом рақобат кучайиб бориши керак. Корхоналарнинг бирбирлари билан рақобат қилишлари натижасида бозорда оқилона нарх-наво ўрнатилади, иқтисодий ресурслардан фойдаланиш даражаси ортади, истеъмолчилар талабига яраша маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Бозор иқтисодиётига асосланган жамиятда инсон учун керак бўлган истеъмол эҳтиёжлари режали равишда эмас, балки талаб даражасида ишлаб чиқариш ўз-ўзидан бошқариб борилади.

Бугунги кунда мустақил давлатимиз ҳар бир фуқароси учун иқтисодий билимларни пухта эгаллаш ҳаётий заруратга айланмоқда. Бундан келиб чиққан ҳолда биз кейинги мақолаларимизда бозор иқтисодиёти шакл-тамойиллари, қонун-қоидалари хусусида батафсил фикр юритамиз.

Ражаб МУСУРМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
Иқтисодиёт институти
аспиранти.



*Бугунги кунда Сергелидаги деҳқон бозори қурилишида қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Унда пойтахт қурувчилари билан бир қаторда хоразмлик усталар ҳам фаол қатнашмоқда. Бу эса ўз навбатида бозорнинг миллий услубда тикланишига олиб келмоқда.*
*СУРАТЛАРДА: бозор қурилишидан айрим лавҳалар.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

Хотин-қизлар кенгашларида

# ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Мирзо Улуғбек туманидаги I-Қорасув даҳаси «Янги ҳаёт» маҳалласида туман маҳаллалари хотин-қизлар кенгашлари раисларининг ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Жуда кенг мавзуларни қамраган ушбу анжуманда Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек туман кенгашининг биринчи котиби, туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудираси, туман ижтимоий таъминот ва халқ таълими бўлими вакиллари, шунингдек Шайхонтоҳур ва Яккасарой туман ҳокимининг ўринбосарлари иштирок этдилар.

Ўқув семинарини очар экан, Мирзо Улуғбек туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кенгаши раиси Саида Содиқова Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони чиққанидан кейин туманда аёллар билан ишлаш масалаларини янада кучайтириш, уларнинг салоҳиятларидан унумли фойдаланиш борасида қилинаётган ишлар, жумладан туман хотин-қизлар кенгашининг жорий йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган пухта режаси ишлаб чиқилганлиги хусусида тўхталиб ўтди. Шуниси эътиборга лойиқки, ушбу режадан хотин-қизлар кенгашининг тумандаги мактабгача болалар муассасалари ва мактаблар билан ўзаро фаолияти, «Соғлом авлод учун» дастурини амалга оширишдаги иштироки, Мустақиллик байрами, ҳарбий хизматга чақирилувчи куни муносабати билан ўтказилаётган тадбирларда қатнашуви ҳам кенг ўрин олган. Туманда маҳалла хотин-қизлар кенгашининг раиси оқсоқол ўринбосари этиб сайланиши ва уларнинг ҳамкорликда бамаслаҳат фаолият кўрсатиши ҳам жамият таянчи бўлмиш маҳаллаларда ишлашга Мирзо Улуғбек туманида нақадар катта эътибор қаратилаётганидан далолатдир.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясининг профессори Н. Зайниев «Мустақил Ўзбекистонда аёлнинг тутган ўрни ва роли», Ўзбекистон Республикаси болалар жамғармаси раиси И. Юсупова «Оила — болалар — жамият» муаммоларини ҳал қилиш борасида республика «Болалар жамғармасининг роли», Республика «Соғлом авлод учун» жамғармаси шаҳар бўлими раиси Р.Раҳмонова мазкур жамғарма бўлими фаолияти, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлимининг бошлиғи С. Оқмирзаев туман маҳаллаларида Президентимиз фармонларининг бажарилиши тўғрисида, Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек туман кенгашининг биринчи котиби И. Равшанов партия ва хотин-қизлар кенгашининг ҳамкорлиги, иқтисод фанлари доктори С. Воҳидова «Иқтисодий ислоҳот шароитида аёллар» мавзуларида сермазмун ва атрофлича маърузалар қилишди.

Бир пиёла чой устида ўтган ушбу қизиқарли анжуманнинг ўзига хос томони шунда бўлдики, тадбир давомида туман маҳаллалари хотин-қизлар кенгашлари раисларидан иборат «Мерос» халқ-этнографик дастаси ижросида театрлаштирилган келин тушиш маросими, миллий яллалар, «Омонёр», «Тановар», «Фидо», «Кутаман», «Даданг келмади» мумтоз қўшиқлари ижро этилди.

Семинар-кенгаш давомида қизиқарли савол-жавоблар ҳам ўтказилиб, хотин-қизлар ўзларини ўйлантираётган муаммолар, хусусан келин-куёвлар учун махсус дўконларни қайтадан тиклаш, тўй-маъракаларни ихчам ва камхарж ташкил қилиш, бу ишга маҳалла қатъий бош-қош бўлиши лозимлиги тўғрисидаги таклиф-мулоҳазаларни билдиришди.

Йиғинга Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдураҳимова якун ясади.

Ўқув семинарида Мирзо Улуғбек туман хотин-қизлар кенгаши ҳайъати аъзоси, К. Аденауэр жамғармаси семинари раҳбари Наталья Муравёва иштирок этди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

# Газетхон— газета—газетхон

## БОЙСУНДАН МАКТУБ

***Ҳурматли таҳририят!***

***Шеър ёзиш ишқи менга ёшлигимдан «ёпишган». Политехника институтининг меъморчилик куллиётида ўқиб юрган вақтларимдаёқ ўзимизнинг кўп нусхали, сўнгроқ эса собиқ «Ёш ленинчи» газеталарида «Қурувчи қиз қўшиғи», «Қурувчи бўлайлик!» каби шеърларим чиққан эди. Мен шеъриятга шундай чинакам эътиқод қўйганман.***

***Ушбу шеърларим пойтахтимизга бағишлангани учун ҳам «Оқшом»га юборишга жазм этдим. «Оқшом» нафақат тошкентликларнинг, балки бизнинг ҳам суюкли газетамиз. Шу шеърларим азиз тошкентлик «оқшомхон»ларга жиндек бўлса ҳам манзур бўлса ўзимни нақадар бахтли ҳисоблар эдим!..***

### ТОНГ КУЙЛАРИ

Муборак, нурафшон тонг лаъл лаблари —
Билан пойтахт пешонасини ўпибдур!..
Ва шафақнинг қирмизи, ол ранглари
Пойтахт жамолига чирой қўшибдур!..

Озод пойтахт тонг нурига чулғанур,
Қалбдан қўшиқ бўлиб оқар ўйларим.
Халқлар бахтдан сархуш бўлиб уйғонур,
Пойтахтимдан таралиб тонг куйлари!..

### СЕНГА БОҒЛИҚ ЮРАГИМ

Ассалом эй жонажон пойтахт!
Яна келдим бағрингга қайтиб.
Юрагимда улуғ бир мақсад:
Қалбда беун бир қўшиқ айтиб.

Бағрида илк севгимни топган
Боғларингда юраман ўйлаб...
Меҳрим тошиб қучоқларингда,
Бахтиёрлик қўшиғин куйлаб.

Соғинч билан жамолларингга
Қайта-қайта тўйиб боқаман.
Кўркамлашган камолларингга
Қараб, завқдан жўшиб-тошаман!..

Ўша-ўша: «нонга бой» шаҳар!..
Бахти кулган ҳур соҳибжамол!..
Қанча-қанча ёшларга илм-касб —
Туҳфа айлаб топтирган камол.

Осойишта, тинч-тотув мудом!..
Шундан тўкин-сочин ризқ-рўзинг.
Иззат-ҳурмат, тартиб-интизом —
Маданият маскани — ўзинг.

Қани эди меъмордай бўлиб,
Мен ҳам сенга беролсам сайқал. —
Кўнглимдаги орзу ушалиб, —
Бўлсанг эдинг яна ҳам гўзал!..

Зулматларнинг бағрин доғлаган
Қадрдон шаҳар, сенда яшаш — бахт!..
Юракларни ўзингга маҳкам —
Боғлаган сен фаришта пойтахт!..

Қучоғингдан зўрға узилиб
Қайтарканман, доғлиқ юрагим... —
Қайтиш оғир... кўнгил бузилур...
Ахир сенга боғлиқ юрагим!..

Холиқназар ХОЛНИЁЗОВ.

Янгиликдан хабарингиз борми?

# КРАХМАЛ ЎЗИМИЗДА ТАЙЁРЛАНАДИ

Тошкент Давлат университетида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш билан бир қаторда, бозор иқтисодига ўтиш даврида олимларимиз яратган ихтироларни ишлаб чиқаришга жорий этиш устида ҳам изчил иш олиб борилмоқда.

Жумладан, кимё факультетининг олимлари томонидан яратилган гуруч оқшоғидан техник крахмал олиш технологияси яхши натижалар берди. Ҳозирги кунда республика тўқимачилик корхоналари эҳтиёжлари учун зарур бўлган крахмал Россия Федерациясидан ҳар килограмми 35-37 сўмдан келтирилмоқда. Кимёгарларимиз ишлаб чиқарган крахмал эса 8-10 сўмдан тушиб, яна қўшимча транспорт харажатлари ҳам тежаб қолинади. Ундан ташқари картошка таркибида 25-28 фоиз крахмал бўлгани ҳолда гуруч оқшоғида бу кўрсаткич 50-60 фоизни ташкил этади.

Ҳозирги кунда дастлабки бир неча тонна техник крахмал факультетда тайёрланиб маҳсулот Тошкент тўқимачилик комбинатида синовдан ўтказилди ва юқори баҳо олди. Республика миқёсида техник крахмалга бўлган эҳтиёж йилига 2500-3000 тоннадир. Мавжуд ускуналар ёрдамида ТошДУ йилига 2000 тоннадан кўпроқ маҳсулот тайёрлаш имкониятига эга. Келгуси йил охирига бориб эса республика эҳтиёжини тўла қондириши мумкин. Техник крахмални ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш республика учун йилига анча маблағни тежаб қолиш имконини беради.

Дония ЗОКИРОВА.

Таҳририятга хат

# БОҒ БЎЛСА ЁМОНМИ?

Ҳар сафар шу ахлатхонани кўрганимда ўзимдан ўзим ранжиб кетаман. «Инсон саломатлиги ҳамма нарсадан қиммат», «Соғлом авлод учун», деймизу баъзан сўзимизга риоя қилмаймиз. Мана шу лоқайдлигимиз туфайли жамоат жойларида, катта йўл чеккаларида, умуман ман этилган жойларда баъзан ахлатхоналар пайдо бўлиб қоляптики, бу ўтган-кетганларни ранжитиб, ғашига тегади. Масалан, Акмал Икромов туман Собир Юнусов кўчасининг «Бўзсув» кўприги яқинида бир гектарлик майдонни эгаллаб олган ахлатхонанинг икки томони шифохоналар, яна бир томони хонадонлар, бир томони эса катта йўл билан ўралган. Қолаверса, бу ерда озмунча аҳоли яшамайди. Шу атрофда истиқомат қилувчилар мана бир неча йилдирки, шу ахлатхона туфайли кундузи пашшага, кечалари чивинга таланиб ётишади. Узоқ йиллардан бери туманнинг энг сўлим жойига доғ тушириб ётган бу ахлатхонани йўқ қилиш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди.

Баъзан ўзимча ўйланиб қоламан. Хўш, шу ахлатхона ўрнида боғ-роғ бунёд этиш наҳотки мумкин бўлмаса? Албатта бу иш қўлимиздан келади. Лекин бунинг учун инсонда қунт ёки унга кўмак берувчи мададкорлар керак. Мана шундай яхши ниятда бундан бир неча йил олдин бир нечта мутасадди идоралар эшигини қоқиб кўрдим. Уларга мақсадимни айтиб ёрдам беришларини илтимос қилдим. Афсуски, ҳеч қаердан ижобий жавоб ололмадим. Қарангки, каттагина майдонни эгаллаб ётган ахлатхона ўрнида ободончилик ишларини олиб боришни зиммамга олсаму ўзгалар бунга розилик билдиришмаса.

Агар бу ерда келгусида бирор бир иморат қурилиши ёки ўзга иншоот қад кўтариши режаланган бўлса нур устига нур эди-я. Лекин ҳеч нарсадан дарак йўқ бўла туриб ташландиқ жойни ободонлаштириш ташаббуси билан чиқсангу бу хайрли ишингни қўллаб-қувватловчилар бўлмаса алам қилар экан кишига.

Қобил ОДИЛОВ,
уруш қатнашчиси.

Акс садо

# «ФАВВОРАДА ЧЎМИЛАЁТГАН БОЛА»

***Газетамизнинг 23 июнь сонида «Фавворада чўмилаётган бола» номли мақола эълон қилинган эди. Унда кўтарилган мавзу юзасидан таҳририятимизга кўплаб мактублар келди. Қуйида уларнинг айримларини эълон қилмоқдамиз.***

## ҲАЁНИНГ КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ

«Фавворада чўмилаётган бола» — ўз вақтида ёзилган мақоладир. Мен кўпинча бўш вақтларимни пойтахтимизнинг сўлим гўшаларида ўтказаман. Айниқса ёз фаслида соя-салқин, фавворали жойлар кишиларнинг севимли масканига айланади. Аммо бугунги кунда фавворалар атрофида кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариб бўладими? Йўқ, албатта. Ҳозирда қайси фаввора ёнига яқинлашманг болаларнинг қий-чуви, сувнинг шалоплаши асабни бузади. Айрим болалар ўша атрофда яланғоч югуриб юришади. Менимча бу ҳол болалар учун фавворада ҳар қандай касаллик орттиришдан ҳам ачинарлироқ бўлиши керак. Чунки ҳаёсизликнинг катта-кичиги бўлмайди. Мақола муаллифлари каби мен ҳам такрорламоқчиман: фавворалар шаҳримиз гўзаллиги ҳамда одамларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун қурилган.

Хайрулла Юнусов,
пенсионер.

## НАВБАТЧИЛИК ТАШКИЛ ЭТИЛСА

«Фавворада чўмилаётган бола» мақоласи хусусида ўз фикримни айтсам. Ҳамма гап шундаки, ёзда мактаб ўқувчиларининг катта қисми қаровсиз қолиб кетади. Айрим мактаблар қошида очиқ сув ҳавзалари бор, лекин улар қаровсиз ётади. Чунки ёз келиши билан мактаб ўқитувчилари ёппасига меҳнат таътилига чиқиб кетишади. Тўғри, ўқитувчилар ҳам барча қатори меҳнат таътилига чиқишга ҳақли. Лекин ўша очиқ сув ҳавзаларини лозим бўлганидек ишга тушириб ўқитувчилар навбатчилигини ташкил этса бўлади менимча. Шунда, агар ҳисоблаб чиқсак, навбатчилик куни ёз бўйи ҳар бир ўқитувчига атиги икки кундан тўғри келар экан. Икки ойлик меҳнат таътили учун икки кун нима деган гап? Ҳамма гап мактаблар маъмуриятида қолган холос.

Баҳром ЗИЁЕВ,
«Тошметроқурилиш» ишчиси.

## БАССЕЙНДА ЧЎМИЛИШСИН

«Фавворада чўмилаётган бола» сарлавҳали мақоладаги муаммо менга ҳам инсон, ҳам ота сифатида қаттиқ таъсир қилди. Ҳозирда собиқ «Тошкент трамвайи» идорасининг Хадра майдонида жойлашган жойда трамвайлар турадиган ва тузатиш ишлари ўтказиладиган жойнинг бир қисми бўш ётибди. Таклифим шуки, ушбу жойнинг ички ва ташқи қисмини таъмирлаб кийим алмаштирадиган хона, чўмиладиган бассейн қурилса ва «Митрофанов» номли сув спорти саройининг бўлими сифатида очилса жуда яхши бўларди. Бунинг учун шаҳар ҳокимлиги, болаларни соғломлаштириш ва спорт иншоотлари, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, болалар ва ўсмирлар билан ишловчи ташкилотларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати бўлиши керак.

Агарда Хадра майдонида сув спорти саройи қурилса айни муддао бўларди. Кўкча, Сағбон, Қорасарой, Самарқанд дарвоза, Чорсу атрофида яшовчи болалар, ота-оналар жуда қувонган бўлар эдилар. Болаларимиз сузишни, сувда чўкаётганни қутқаришни ўрганиб, сув спорти нима эканлигини яқиндан ҳис қилардилар. Шунингдек уларда турли касалликлар пайдо бўлиши камаяр, тетик ва бардам бўлиб камол топар эдилар.

З. САМУҒЖОНОВ,
«ОНИКС» ҳиссадорлик
жамияти ишчиси.

Ёднома

# БУЮКЛАР ҚАТОРИДА

1977 йил апрель. Москвадаги «Кичик театр» саҳнасида Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг ижодий сафари муваффақиятли ўтарди. Саҳнада Ў. Умарбековнинг «Қиёмат қарз» спектакли намойиш этилмоқда. Бош қаҳрамон — Сулаймон ота қиёфасида Халқ артисти Шукур Бурҳонов. Зал томошабин билан лиқ тўлган. Москва театрларининг бир қанча актёрлари, яъни Халқ артистлари Жарков, Жженов, Тарханов, Гоголева ва бошқалар ҳам бу ерда ҳозир бўлишган.

... Шукур Бурҳон ижроси спектакль давомида бир неча маротаба қарсаклар билан тақдирланиб турди. Томоша ниҳояси кучли олқишлар гулдуроси остида якун топди. Шукур ака саломи бир-неча маротаба томошабинлар олқишида қарши олинди. «Офарин» деган сўзлар узоқ янграб турди. Гул олиб чиққан М. Жарков: «Шу ёшда, шу қадар катта ҳис-туйғу билар роль ижро этиш ҳар кимга ҳам насиб этмайди», — деб Шукур акани қучоқлаб, табриклади. Бошқа артистлар ҳам шу қадар маҳорат билан ижро этилган образ таъсири остида ҳайрат билан табриклашди. Ниҳоят парда ёпилиб бўлиши билан театр раҳбарлари келиб: «Шукур ака, гримингизни артмай туринг, ҳозир спектаклни кўрган чет эллик меҳмонлар билан Марказий телевидение матбуот-конференцияси ўтказади», дейишди.

Чет эллик меҳмонлар ўша пайтдаги Франция давлатининг Москвадаги фавқулодда ва муҳтор элчиси билан Франция Президенти Ж. Помпилунинг қизи экан. Тилмочнинг таништирувидан маълум бўлдики Президентнинг қизи санъатшунослик доктори экан.

Расмий таништирувлардан кейин Франция элчиси сўз олиб, шундай деди:

— Мен Шукур Бурҳон ижросидан жуда қаттиқ таъсирландим. Бу кишининг маҳоратини Франциянинг буюк актёри Жан Гобенга тенглаштирдим ва яна шуни айтишим керакки, 40 миллионлик Францияда Гобендек буюк артист етишиб чиққан бўлса, 18 миллионли Ўзбекистонда ҳам Гобен-Шукур Бурҳонов етишиб чиқибди. Тасанно!!!

— Жаноб элчи! Сиз мени кечиринг, — дея элчининг сўзини бўлди Помпидунинг қизи. — Ахборотингиз учун 40 миллионлик Францияда битта Гобен бўлса, 18 миллионлик Ўзбекистонда иккита Гобен бор. Бири жаноби Шукур Бурҳонов бўлса, иккинчиси марҳум, буюк актёр, Халқ артисти Аброр Ҳидоятов! Ўзбек халқи жуда ҳам истеъдодли халқ. Улардан жуда кўп буюк шахслар етишиб чиққан. Ўзбекистонга бир неча маротаба борганимда бунинг гувоҳи бўлганман. Мен бу халқнинг санъати ва маданияти билан яқиндан танишман. Халқ артисти Аброр Ҳидоятов ижросида Шекспирнинг «Отелло» томошасини такрор-такрор катта қизиқиш билан кўрганман!

М. САЪДУЛЛАЕВА,
Абдулла Қодирий номидаги
маданият институтининг
катта ўқитувчиси.



*Шаҳримиз уй-жой қурилишларида.*

*Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг тўрт йиллиги олдидан*

# ИСТИҚЛОЛ ШОДИЁНАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги қошида мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш қароргоҳи тузилди. Унга вазир ўринбосари Баҳодир Абдураҳимов раҳбарлик қилмоқда.

Тошкентнинг Мустақиллик майдонида ўтказиладиган тантанали байрам томошаларини таниқли режиссёр, Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев саҳналаштиряпти. Байрам тантанаси сценарий муаллифи шоир ва драматург Хуршид Даврон бўлиб, саҳна безакларини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Давлат мукофоти совриндори Георгий Брим тайёрламоқда.

Айни шу кунларда байрам томошаларида иштирок этувчи жамоалар — М. Қориёқубов номли Ўзбек давлат филармонияси қошидаги «Лазги», «Зарафшон», «Шодлик» ансамбллари, М. Турғунбоева номидаги «Баҳор» халқ ашула ва рақс дастаси, Ўзбек Давлат эстрада бирлашмаси мусиқий гуруҳлари, эстрада юлдузлари Ю. Усмонова, Н. Абдуллаева, К. Раззоқова, А. Муллахонов, Д. Тошмуҳамедов ва бошқа хонандалар байрамга ҳозирлик кўряптилар. Шунингдек учта болалар боғчалари тарбияланувчилари, «Булбулча» болалар хори, моҳир спорт усталари, шаҳримиз ва республикамизнинг бадиий ҳаваскорлик жамоалари, барча театрлар санъаткорлари иштирок этадилар.

Байрам шодиёналари Мустақиллик майдонида 31 август ва 1 сентябрь кунлари бўлиб ўтиши билан бирга, шаҳримизнинг Амир Темур хиёбони, Хадра майдони, Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий боғи, Халқлар дўстлиги майдони, Анҳор бўйи сайилгоҳи ҳамда барча истироҳат боғларида давом этади.

## БАСТАКОРЛАР ИЛҲОМИ

Истиқлол байрамининг 4 йиллиги арафасида турли жанрларда ижод қилаётган республика композиторларидан Дилором Омонуллаева, Улуғбек Мусаев, Рустам Абдуллаев, Фарҳод Алимов, Ҳабибулло Раҳимов, Мустафо Бафоевлар янги қўшиқ, опера, контата, ораторияларяратдилар. Мирсодиқ Тожиев ўзининг 19-20 симфониясини ёзиб тугатди. Таниқли бастакорлар Абдуҳошим Исмоилов, Бахтиёр Алиев, Неъматжон Қулабдуллаевлар элимизга манзур бўладиган бир қатор куй-қўшиқлар яратдилар.

— Шуниси эътиборга лойиқки,—деди биз билан суҳбатда Ўзбекистон композиторлар ва бастакорлар уюшмаси бошқарувининг котиби Рустам Абдуллаев, — байрам кунлари бастакорларимиз яратган куй-қўшиқлар фақатгина марказий майдонларда ижро этилмай, балки юртимизнинг саҳналарида мусиқа мухлислари янги ёзилган асарлар билан ҳам танишиш имкониятига эга бўладилар.

Назокат УСМОНОВА.

*Мустақиллик мевалари*

# БИЛИМ ОЛИШ УЧУН АМЕРИКАГА

***Бу йил республикамиздаги мактаб ўқувчиларининг бир қанчаси Америка Қўшма Штатларининг ўқув юртлари томонидан берилган сертификат асосида «етуклик шаҳодатномаси» олди. Тест синови асосида сайлаб олинган ўзбекистонлик йигит ва қизлар у ерда бир йил давомида билим олишди. Ўқувчиларни республикамиз Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорлик қилаётган АҚШдаги «Акселс» таълим бериш билан шуғулланувчи ташкилот вакиллари танлаб олишди. Бу дастур ҳукуматлараро шартнома асосида мамлакатларимиз ташкилотлари ўртасида уч йилдан бери давом қилиб келади.***

Эндиликда, янги ўқув йилида Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан 70 нафар ўқувчи билим олиш учун Америкага жўнаб кетади. Уларнинг ҳаммаси республика ўқувчилар уйида бўлиб ўтган учрашувда иштирок этди. Қўшма Штатлардан яқинда қайтиб келган йигит ва қизлар ҳам АҚШда таълим олишга доир таассуротларини сўзлаб бериш учун бу ерга келишди. Ўзбекистон халқ таълими вазирининг ўринбосари Хайриддин Мақсудов бундай халқаро ҳамкорликнинг мақсад ва истиқболларини тушунтириб берди:

— Ҳозирги пайтда, республикамизда мустаҳкамланиб, ривожланиб бораётган янги бозор муносабатлари мутахассислар тайёрлашнинг савияси ҳам янгича бўлишини тақозо этади. Танлаб олинган мутахассислик қандайлигига қарамай, хорижий тилларни билиш тобора аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли, бу соҳада америкалик касбдошларимиз билан ҳамкорлик қилар эканмиз, улар амалга ошираётган «Акселс» халқаро дастурига қўшилишга аҳд қилдик. Бу дастурга мувофиқ, юқори синф ўқувчиларимиз Америка мактабларида бир йил ўқибгина қолмай, бу вақт давомида америкаликларнинг оилаларида яшашади. Бу эса, ўзбекистонлик йигит ва қизларга ўз тенгдошлари билан мулоқот жараёнида америкача турмуш хусусиятлари, америкаликлар мижозини яхшироқ билиб олишга, жамиятнинг анъаналари, ўзга давлат тарихи билан танишишга имкон беради. Айни пайтда улар ватанининг ўзига хос «мухтор вакил»лари сифатида америкаликларга Ўзбекистон, унинг ўтмиши ва ҳозирги куни, халқимизнинг миллий урф-одатлари ҳақида гапириб беришган. Хорижда Ўзбекистонга, бу мамлакатда иқтисодий ислоҳотларнинг қандай амалга оширилаётганига, давлат раҳбариятининг аниқ ижтимоий йўналишдаги сиёсатига қизиқиш ортиб бормоқда. Бундан ташқари, бевосита мулоқот болаларга инглиз тилига доир билимларини такомиллаштиришга имкон беради. «Акселс» дастурида иштирок этган йигит ва қизларнинг кўпчилиги тест синовидан муваффақиятли ўтиб, республикамиз олий ўқув юртлари талабалари қаторига қўшилгани бу дастур қандай натижа бераётганини кўрсатиб турибди.

Ўқувчилар билан учрашувда иштирок этган АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лии Кларк Америкага жўнаб кетаётган йигит ва қизларга оқ йўл тилади. Элчи икки мамлакат умумий таълими тизилмаларининг бундай ҳамкорлиги халқларимизни бирбирига яқинлаштиришга хизмат қилишини таъкидлади.

— Мен Вайоминг штатига қарашли Витленд шаҳридаги мактаблардан бирида ўқидим, — деди Бухородаги 16-мактабни битирган Акмал Маърупов. — Оддий америкаликлар оиласида яшадим. Педагоглар таклиф қилган, ўрганиш ихтиёрий бўлган фанлар орасида банк иши ва француз тилини танладим. Мен спорт синфида ўқидим. Америкалик тенгдошларим менга америкача футболни ўргатишди. Қўшма Штатларга сафарим менга фақат янги билим бериб қолгани йўқ. Мен янги дўстлар орттирдим, бошқа халқ ҳаётини ўргандим. Бу келгусида менга жуда асқотади, деб ўйлайман.

(УзА).

*Машҳур кишилар ҳаётидан*

# ШУНЧАКИ ДЎКОН АЙЛАНИБ

Шу кунларда Нью-Йоркнинг гала-ғовур ва сершовқин кўчалари машиналар билан тўлиб кетди. Автомобилларнинг ҳаракати бир ярим соатга тўхтатилиб қўйилди. Нима учун?

АҚШ Президенти Клинтон дўконлардан ул-бул нарсаларни сотиб олиш билан банд экан. Аниқланишича шу куни Клинтон умумий 450 долларга харид қилибди. Каттакон сарф-харажатлар машҳур Метрополитен санъат музейининг дўконларидан бошланди. Қани бир кўрайлик-чи, президентнинг қилган хариди нималардан иборат экан: нақшинкор тилла занжир (уни президент аёлимга берсамми ёки қизимгами, дея ўйлаб қолди), ипакли нафис бўйинбоғ, XIX аср урфи услубида тикилган зарҳал нимча, олтиндан ясалган соч турмаклагич, бронза ҳайкалча ва яна бир қанча майда-чуйдалар. Айтишларича, президентнинг ҳамма совға-саломни сотиб олиш учун нақд пули етмагач, кредит дафтарчадан фойдаланишни бошлаб юборган.

— Мен ҳам оддий одамлар каби шунчаки дўконларни айландим,— деди мухбирлар билан суҳбатда Билл Клинтон. Дўкон сотувчилари бўлса президентнинг жуда юқори дидли харидор эканига, ходимлар билан самимий гаплашганига тан бериб, қойил қолдилар. Шундан сўнг унга «мамлакатнинг биринчи харидори» деган ном берилди.

Нозима ИСЛОМОВА тайёрлаган.





***«Усто» фирма бирлашмаси шаҳримиздаги кўпгина маданий-маиший биноларни безашда ўз ҳиссасини қўшган. У ерда 35 йилдан бери ишлаб келаётган Анвар Пўлатов бригадаси сўнгги йилларда «Туркистон» санъат саройи, Кўкча даҳасидаги «Исломобод» маданий маркази, «Матбуот» бирлашмаси, Собир Раҳимов ҳокимлиги биноларини миллий ганч ва ўймакорлик усулларида безашган.***

***СУРАТЛАРДА: «Усто» фирма бирлашмаси фаолиятидан лавҳалар.***

**Рустам Шарипов олган суратлар.**

*Мардлар қўриқлайди Ватанни*

# Яккасаройликлар — фарзандлари ҳузурида

Яқинда Яккасарой туманининг бир гуруҳ вакиллари фарзандлари ўз ҳарбий бурчларини ўтаётган Самарқанд шаҳридаги ҳарбий қисмлардан бирида бўлишиб, у ердан жуда яхши таассуротлар билан қайтишди. Туман ҳокимлиги, Ёшлар Иттифоқи ташкилоти вакиллари, аскарларнинг ота-оналари ва санъаткорлар тушган автобус ҳарбий қисм дарвозаси ёнида кутиб олинди. Яккасаройлик вакиллар ҳарбий қисм ҳаёти билан яқиндан танишдилар. Аскарларнинг назарий ва амалий машғулотларини кузатдилар, казарма, тиббий қисм, кутубхона ва аскарлар ошхонасида бўлдилар. Ҳаммаёқнинг «чиннидек» топ-тозалиги, ҳарбий орасталик, командирлар ва хизматдошларнинг ўзаро ширинсуханликлари айниқса ота-оналарга жуда манзур бўлди. Икки ўғли — Ҳасан ва Ҳусанлар билан учрашган Муътабар опа Қаюмова ўз таассуротларини шундай ифодалади:

— Бизга бу ердаги ҳамма шароитлар ёқди. Ўғилларимнинг хизмат қилаётганига олти ой бўлди. Шу вақтда улар бўйига бўй қўшилибди, спорт билан мунтазам шуғулланганлигидан жуссалари янада бақувват бўлишибди. Илгари армия ҳақида турли гап-сўзлар эшитардик. Бу ерга келиб, ҳақиқий шароит билан танишгач, хотиржам бўлдик. Ҳадемай кичик ўғлим ҳам ҳарбий хизматга боради. Ҳар бир йигитнинг бурчи-да бу.

— Турмуш ўртоғим ҳам ҳарбий киши бўлганлиги учун Ўрта Осиёнинг турли шаҳарларида хизмат қилганмиз, — дейди Бобур номли маҳалла хотин-қизлар кенгашининг етакчиси Тамара опа Калантарова. — Шу боисдан ҳарбий ҳаёт менга таниш ва қадрдон бўлиб қолган. Ёшлар Иттифоқи туман қўмитаси ташаббуси билан Самарқандга, ҳамшаҳар аскарларимизни кўргани бориш учун автобус ҳозирланганини эшитиб, дарҳол йўлга отландик. Уйдаги шахсий кутубхонамизнинг бир қисмини ҳам аскарларга совға сифатида топширдим.

Яккасарой туман ҳокимлиги ва Ёшлар Иттифоқи вакиллари ҳам аскарлар ҳузурига ўз совғалари билан бордилар. Тумандаги жуда кўплаб корхона ва ташкилотлар ҳам аскарларга вакиллар орқали ўз ҳадяларини жўнатдилар.

Қисмдаги шароитлар ва ҳарбийча ҳаёт билан танишувдан сўнг, Тошкентдан келган Кароматхон Худойбердиева раҳбарлигидаги «Мовий нур» эстрада гуруҳи аскарларга концерт қўйиб берди. Ушбу тадбирнинг асосий ташкилотчиларидан бири, Ёшлар Иттифоқи Яккасарой туман қўмитасининг котиби Мавлуда Раимжонова аскарларга шундай деди:

— Азиз укажонлар! Ҳарбий хизмат ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчи эканлиги, ушбу фарзни аъло даражада бажарганлар эса, элда доимо обрў-эътиборга сазовор бўлишларини унутманг. Бурчингизни бажараётган шаҳарни буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур пойтахт тутганлиги, бу шаҳарда жуда кўп тарихий воқеалар кечганлиги сизлардан алоҳида ғурур ва масъулият билан хизмат қилишингизни талаб этади. Шундай юксак ишончни доимо оқлашингизни истаймиз.

Шундан сўнг, Тошкентдан олиб борилган масаллиқ ва зираворлар солиб, ажойиб тошкентча палов дамланди. Тўкин дастурхон безатилиб, ош тортилди. Аскарлар-у командирлар, меҳмонлар билан мириқиб ошхўрлик қилдилар.

— Тошкентлик аскарлардан хурсандмиз, — деди учрашув ниҳоясида ҳарбий қисм командирининг ўринбосари, майор Сейфат Сулаймонов. — Бизнинг қисмда 1937-41 йилларда афсонавий биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов хизмат қилган, тошкентлик йигитларимиз ҳам ҳарбий машқларни чуқур ўзлаштириб, намунали хулқ-атворлари билан Собир Раҳимов юртдошлари эканликларини намойиш қилмоқдалар.

Ўша куни яккасаройлик вакиллар Самарқанддан кўнгиллари ниҳоятда чоғ бўлиб қайтдилар. Делегация раҳбари, Ёшлар Иттифоқи туман қўмитасининг котиби Мавлуда Раимжонова ҳам жуда хурсанд.

— Ҳозирги пайтда ишончли ҳомийларсиз тадбир уюштириш осонмас, — дейди у. — Биз ушбу учрашув ҳақида ташаббус билан туманимиз ҳокими, Алишер Мирқосимовга мурожаат қилганимизда у киши дарҳол буни маъқуллаб, ёрдам кўрсатдилар. Туман мудофаа бўлими, хотин-қизлар кенгаши, Ўзбекистон саноат-қурилиш банкининг Яккасарой бўлими, туман солиқ инспекцияси идораси, «Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамияти» каби кўплаб корхона ва ташкилотлар бизга ёрдам кўрсатдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳокимлик ва ота-оналар вакилларининг аскарлар билан учрашувини энг биринчи бўлиб яккасаройликлар бошлаб беришди. «Хайрли ишнинг қаноти бор», дейишади. Эндиликда бундай фойдали учрашувлар бошқа туманларда ҳам давом этса ажабмас.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

*Турфа олам*

## 104 ЙИЛ БИРГА ЯШАШДИ

Озарбайжоннинг Яншоқ қишлоғида Илёс ва Ҳатин исмли эр-хотинлар 104 йил бирга яшаб рекорд қўйишган. Жафаровлар оиласи бирга яшашда энг кўп ва қариликда ҳам узоқ вақт тотув турмуш кечирганлардан ҳисобланишади. Ҳатин Жафарова ўн икки фарзанднинг онаси бўлиб 1990 йили ёши 120 га етганда вафот этган. Эндиликда Жафаровлар оиласи аъзолари сони икки юздан ошиб кетди.

Жафаровлар оиласи кумуш, олтин, бриллиант, темир, тош ва шоҳ тўйларини ўтказишган. Қизиғи шундаки, бундан кейинги тўйнинг номини ҳали одамлар ўйлаб кўрмаган эканларки, бундай узоқ вақт биргаликда яшаб ўтган эр-хотинлар тарихда биринчи бор учраяпти.

## УЧ ЁШЛИ СУРАТЧИ

Донецклик Настя Федоренко бир ярим ёшидаёқ суратга ола бошлаган эди. Ота касбига қизиқиши унинг ёшлигидан бошланди. У уч ёшида шаҳар кўчаларида юриб чиройли манзаралар, ҳамшаҳарлари, жониворлар, боғлар ва табиат кўринишларини суратга тушириб халқаро кўргазмада медаль олишга улгурди. Настя (у 1987 йилнинг 1 апрелида туғилган)нинг дастлабки шахсий фотокўргазмаси у уч ярим ёшга етар-етмас пайтида ўтказилган.

## УЗОҚ КУТИЛГАН ТЎЙ

Литванинг Укмерге шаҳрида узоқ вақт давомида кутилган тўй маросими бўлиб ўтди. Қизиғи шундаки, 83 ёшли куёв билан етмиш тўққиз ёшли келин умрларида биринчи бор турмуш қуришаётган эди. Янги турмуш қурган келин-куёв ҳаммаси бўлиб бир йилгина бахтли ҳаёт кечиришди ва кейин улар бирин-кетин вафот этишди.

## МИРШАБ — МУШУКВОЙ

АҚШнинг Гранд— Прэйзри шаҳрининг миршаблар идорасида оғирлиги тўққиз килограмм бўлган «тартиб ўрнатувчи» мушуквой хизмат қилади. Миршаб — мушуквойнинг исми Фанг бўлиб, давлат архивидаги қоғозларни сичқонлардан муҳофаза қилди. Муҳим ҳужжат ва маълумотларни кемириб қўйган жониворлар штатдаги «кемирувчилар устидаги назоратчи»дан чўчиб қолдилар.

Қудрат АҲМЕРОВ тайёрлаган.

*Шаҳар хўжалиги мавзуида*

# УЧ СЎМЛИК ЖАНЖАЛ

Кўпинча йўловчи транспорти ишидан шикоят қиламиз, барча айбни маъмуриятга ағдарамиз. Лекин ўзимизда айб йўқми? Ахир транспорт ҳаракатининг узлуксизлиги биринчи навбатда иқтисодий тақсимотни (тушум-киримлар) тўғри йўлга қўйилишига боғлиқ. Шундай экан, транспортларга сарф этиладиган харажатлар ўзини қопламагунча бу масалада муаммолар бўлиб туриши табиий. Унинг ечими эса кўп жиҳатдан ҳайдовчи ва йўловчининг ҳалол, инсофли бўлишига боғлиқ. Яқинда шаҳар транспортида икки кунлик ўтказилган текширувимиз ҳали ҳам бу масалада камчиликлар кўплигини исботлаб берди.

Яхшиси шу ўринда далилларга мурожаат қилайлик. Бекатга келиб тўхтаган трамвайнинг орқа эшигидан баланд бўйли 25 ёшлар чамасидаги йигит тушди.

— Чиптангизни кўрсатсангиз, — сўраймиз ундан.

— Бир бекатга ҳам чиптами, — дейди у мутлақо бепарво.

— Ахир қоида-да...

— Менга китобингизни ўқитманг. Чипта олмадим, тамом-вассалом.

Шунчалик ҳам сурбетлик бўладими? Гўё ўзи эмас, балки уни тартибга чақираётган биз айбдордек.

Хадра бекатида эса чиптасиз аёл билан суҳбатимиз яна ҳам «қизиқарли» тарзда кечди.

— Опа, чиптангиз қани?

— Нима?

— Йўл кира ҳақини тўладингизми деяпмиз.

— Йўқ. Мен бунақа тўловлардан озодман... Қаҳрамон онаман.

Ҳали 30 ёшга чиқиб улгурмаган бу аёл қандай қилиб Қаҳрамон она бўлсин, деган фикрда унинг ҳужжатини сўрадик.

— Уйда қолган. Умуман нега менга осилволдиларинг. Ҳозир ҳеч ким транспортда чипта олмайди.

Отини «Ҳалима» деб атаган бу аёлдан жарима ундириш осонликча кечмади.

Юқоридаги бетга чопарлигу шартакиликлар ҳам ҳолва экан. Қаранг-ки, айримлар арзимас йўл кира ҳақи деб қаллобликнинг ўзгача бир турини — қалбаки ёки бутунлай нолойиқ гувоҳномалардан фойдаланиш йўлига ўтиб олишибди. Уларнинг беандишалигидан беихтиёр ёқа ушлайсиз.

Вадим Николас яхшигина лавозимда ишлайди. Унга Ўзбекистон Маданият ишлари бўйича вазирликдан берилган гувоҳнома гўё транспортда бепул юрилиши учун ҳам ўтаверармиш. У ҳамиша транспортда мана шу гувоҳномадан фойдаланаётган эмиш.

— Ахир бу гувоҳнома транспорт учун берилмаганку. Бизга бунақаси ўтмайди, — деймиз унга тушунтириб.

— Ўтаверади, — дейди Вадим ҳаммани енгиб. — Умуман мансабдор шахслардан чипта талаб қилиш ҳам инсофдан эмас.

Вой тавба, бу қанақа гап бўлди. Ундан ҳақгўйликни талаб қилаётган биз инсофсизу у инсофли бўлдими? Бу нима ўзи? Манманликми ёки тушунмовчилик? Ҳар қалай биринчиси. Барибир қанча уринмайлик у ўзини ҳақ, бизни ноҳақ санаб жарима тулашдан бош товлаб кетиб қолди.



Бунақа «гувоҳнома» эгаларидан айримларинигина қуйида сиз билан таништириб ўтмоқчимиз холос. Агар уларнинг ҳаммасини номма-ном санайдиган бўлсак вақт ҳам, қоғоз ҳам етмайди. О. Дулькевич «Узаэронавигация» марказида ходим бўлиб ишлайди. Ишхонага кириш учун рухсат берадиган гувоҳномадан у ўзининг айтишича, транспортда ҳам фойдаланиб юрган экан. Шунингдек, Т. Писарева, А. Литкина, А. Гончарова, З. Галупис, Д. Абдурашитова сингарилар эса меҳнат фахрийси медали учун берилган гувоҳномани, институт талабаси И. Умаров кутубхона билетини, Н. Гусейнов муқобил хизмат гувоҳномасини, Ш. Ризаев эса офицерлик гувоҳномасини уялмай-нетмай бизга рўкач қилиб улардан транспорт хизматида ҳам фойдаланиш мумкин эканлигини исботлашмоқчи бўлишди.



Автобус йўловчилари О. Исабоев, М. Ғафуроваларнинг «уддабурон»лиги айниқса бизни қойил қолдирди. Улар ҳеч бўлмаса ўзлари эътиқод қўйган ХДП аъзолиги билетини бунчалик таҳқирлашмаса бўларди. Бектемир ва Собир Раҳимов тумани кенгашларидаги мутасаддилар уларга партия билетини топшираётганда ундан транспорт чиптаси сифатида фойдаланиш мумкин эмаслигини наҳотки тушунтирмаган бўлишса.

Автомобиль йўллари вазирлигининг «Равон» корхонаси механиги С. Тўраниёзов, собиқ СССР фалсафа жамияти аъзоси Э. Назаров, Алоқа вазирлигининг «Ўзбекистон почтаси» концерни бош мутахассиси А. Малютин ва бошқалар мансабларини рўкач қилиб очиқдан-очиқ йўлкира ҳақини тўламаслик йўлига ўтиб олишибди. Шу ўринда бир савол туғилади. Хўш, юқоридаги гувоҳномалар транспортда юриш ҳуқуқини бермаслигини ҳайдовчи ва назоратчилар билишмайдими? Гапни ҳақига кўчадиган бўлсак, улар орасида буни биладиганлари ҳам, билмайдиганлари ҳам бор экан. Транспорт ходими ҳуқуқ-тартибот ишларидан хабардор бўлмаса қайси тоифадаги йўловчи чипта олиши керак, қайсиниси эса транспортдан бепул фойдаланиш имтиёзига эга эканлигини қайдан билсин.

Энди икки оғиз сўз ҳайдовчилар ҳақида. Йўловчиларга чипта бермай, ҳар бекатда фақат олдинги эшикни очиб, улардан бирма-бир пул йиғишни ўзига одат қилиб олган ҳайдовчилар ҳам истаганча топилади. Бу нима ўзи? Наҳотки улар ўзларича транспортни ҳам шахсий ёки хусусий мулкка айлантириб олишган бўлса.

Кузатувлар давомида ўз ҳамёнини қаппайтириш йўлида юрган шунақа ҳайдовчилардан бир нечтасига дуч келдик. Лекин улар қилмишларидан пушаймон бўлишар, инсоф ва ҳалоллик томон юз ўгиришар деган умидда номларини атайлаб келтириб ўтирмадик.

Хулоса қилиб айтганда, жамоат транспорти халққа тўғри хизмат қилиши лозимлиги, у бировларнинг ҳамёнини тўлдирувчи восита эмаслигини чуқур англайдиган етук инсонлар, истиқлолнинг жонкуяр фидойилари кўпроқ бўлишини талаб қилиш вақти етди. Чунки шаҳар йўловчи ташиш транспорти ҳаммамизники. Шундай экан, унга тўғри ва ҳалол муносабатда бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиз.

Нормуҳаммад МИРЗО, «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси ходими.
Усмон МУҲАМЕДОВ, «Мотор» ҳафтанома газетаси мухбири.
Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ, «Тошкент оқшоми» газетаси бўлим мудири.

СУРАТЛАРДА: транспортдан нотўғри фойдаланганлик учун эгаларидан тортиб олинган гувоҳномалар.

Н. Маҳмудов олган суратлар.

